



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 22 (13.355)

Баҳоси эркин нарҳда

“ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК – ҲАР БИР РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ КУНДАЛИК ҚОИДАСИ БЎЛИШИ КЕРАК”

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг шу номдаги китоби “Ўзбекистон”
нашриёт-матбаа ижодий ўйи томонидан нашр этилди.



Китобдан давлатимиз раҳбарининг
шу йил 14 январь кўни бўлиб ўтган,
мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-
иқтисодий ривожлантиришнинг
асосий асослари ва 2017 йилга
мўлжалланган иқтисодий дастурнинг
энг муҳим устувор йўналишларига ба-
ғишланган Вазирлар Маҳкамасининг
кенгайтирилган мажлисидаги маъруза-
си ўрин олган.

Чуқур таҳлил ва танқидий ёндашу-
ва асосланган ушбу рисолада Ўзбе-
кистоннинг 2016 йилдаги ижтимоий-

иқтисодий ривожланиш суръатларига
атрофича баҳо берилган. Айни вақт-
да иқтисодийётни бошқариш, уни мо-
дернизация ва диверсификация
қилиш борасида кейинги пайтда тур-
ли вазирлик ва идоралар томонидан
йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсон-
лар очик ва холис танқид қилиниб,
уларни бартараф этиш бўйича ама-
лий тақлифлар илгари сурилган. Тур-
ли соҳалардаги мавжуд улкан имкони-
ят ва заҳираларни тўлиқ ва самарали
ишга солишга жиддий эътибор қаратил-
ган.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисо-
дий ривожлантириш бўйича 2017 йил-
га мўлжалланган устувор йўналишлар,
жаҳон бозоридида рақобат кучайиб бо-
раётган ҳозирги мураккаб вазиятда
иқтисодийётга хорижий инвестиция-
лар, замонавий технологияларни жо-
рий қилиш билан боғлиқ муҳим вазифа-
лар маърузада батафсил кўрсатиб
берилган. Айниқса, “Халқ билан муло-
кот ва инсон манфаатлари йили” Дав-
лат дастурини амалга ошириш, аҳоли-
нинг турмуш даражаси ва сифатини
яхшилаш, жумладан, шаҳар ва киш-
лоқларимизда арзон ва қулай уй-жой-
лар қуриш, йўл-транспорт, муҳандис-
лик-коммуникация ва ижтимоий инф-
ратузилмаларни, мактабгача таълим
муассасалари тармоқларини ривож-
лантириш ва модернизация қилиш
бўйича кенг қўламли вазифалар ҳам
китобдан алоҳида ўрин эгаллаган.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА АФҒОНИСТОН ҲАМКОРЛИКНИНГ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧИГА ЧИҚМОҚДА

**Халқда шундай мақол бор: “Қўшиллар танланмайди,
қўшилларни Худо беради”, “Қўшининг тинч — сен тинч”.
Ҳамма томонидан тан олинган, шак-шубҳага ўрин
қолдирмайдиган бу ҳақиқат, айниқса, кескин низо ҳамда
эўравонлиқлар турли минтақаларни ўз домига тортиб, бир
пайтлар ўзаро тинч ва ҳамжиҳат яшаган бутун-бутун
халқлар бир-бирига қарама-қарши бўлиб қолган бугунги
кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.**

Замонавий дунё қурилишининг гоят му-
раккаб реалиялари инобатга олинган ҳолда,
Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий
фаолияти концепциясида қўшни мамлакат-
лар билан дўстлик ҳамда ҳамкорлик муноса-
батларини ривожлантириш энг муҳим усту-
вор йўналиш сифатида эътироф этилган.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси Президенти лаво-
зимига киришиш тантанали маросимига ба-
ғишланган Олий Мажлис Қонунчилик палата-
си ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги нут-
қида хорижий давлатлар, энг аввало, қўшни
мамлакатлар билан яқин ҳамкорлик замона-
вий талаблар даражасида, ўзаро ҳурмат та-

моийларни асосида ҳамда ҳар икки томон-
нинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда
амалга оширилишини қайд этди. Ўзбекистон
ўзининг яқин қўшилари билан муносабатда
очик, дўстона ва прагматик сиёсатга содиқ
бўлиб қолади.

Давлатимиз минтақавий сиёсатининг ва-
зифалари тинчлик ҳамда барқарорликни таъ-
минлаш, барча қўшни мамлакатлар билан
ўзаро манфаатли ва конструктив сиёсий, сав-
до-иқтисодий ҳамда маданий-гуманитар ҳам-
корлигини ривожлантириш билан узвий боғлиқ-
дир.

(Давоми 2-бетда)

ЭҲТИРОМ ВА ЭЪЗОЗ

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбати Биринчи
Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимиз келажаги йўлида амалга оширган
ишлари, серқирра сиёсий фаолиятига бағишланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев-
нинг шу йил 25 январдаги “Ўзбеки-
стон Республикасининг Биринчи
Президенти Ислам Абдуганиевич
Каримовнинг хотирасини абадий-
лаштириш тўғрисида”ги Қарори иж-
роси доирасида ўтказилган тадбир-
да Олий Мажлис Қонунчилик пала-
таси депутатлари, Ўзбекистон
“Адолат” социал-демократик партия-
си фаоллари, Низомий номидаги
Тошкент давлат педагогика универ-
ситети профессор-ўқитувчилари,

талаба-ёшлар, оммавий ахборот
воситалари ходимлари иштирок
этди.

Партия сиёсий кенгаши раиси
ўринбосари А.Раҳмонов, тиббиёт
фанлари доктори, профессор
З.Ботирова ва бошқалар муста-
қиллигимиз меъмор, буюк дав-
лат ва сиёсат арбоби Ислам
Каримовнинг Ватанимиз равнақи,
юртимиз тинчлиги ва халқимиз
фаровонлиги йўлидаги буюк хиз-
матлари, сермазмун ҳаёти ва

фаолиятининг ёш авлод тарбия-
сида тутган ўрни ва аҳамияти ху-
сусида сўз юритди.

Истиқлолимиз асосчиси Ислам
Каримов халқимиз қалбида, Вата-
нимиз тарихида ўчмас из қолдир-
ди, — дейди университет прорек-
тори О.Қўйсенов. — У киши нафа-
қат Ўзбекистон, балки жаҳон
миқёсида катта ҳурмат ва обрў-
эътиборга сазовор бўлган улкан
шахсдир. Ислам Каримовнинг мам-
лакатимизда ҳуқуқий демократик

давлат ва адолатли фуқаролик жа-
мияти барпо этиш, бутун дунёга
машҳур тараққиётнинг “Ўзбек мо-
дели”, айниқса, қонун устуворлиги
ва кучли ижтимоий сиёсат тамойи-
ли борасидаги оқилона сиёсати
юксак самаралар берди.

— Мазкур тадбир бежиз “Эҳти-
ром ва эъзоз” деб номланмаган, —
дейди университет талабаси А.Юсу-
пова. — Чунки буюк Ўртбошимиз
биз, ёшларни ўз фарзанди каби
ардоқлар эди. Бизни катта марра-
ларга ундаб, ёниб яшаш ва ўқишга
ўргатди. Бундай улғу инсон халқни
нинг ва ёшларнинг эҳтиром ва
эъзозига ҳамиша сазовор бўлади.
Тадбирда Ислам Каримовнинг
хаёт йўли ва фаолиятини ақс эт-
тирган ҳужжатли фильм намойиш
этилди.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА муҳбири



БЕЖИРИМ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

**Оммавий ахборот воситалари орқали бугун дунёнинг кўп-
ривожланган давлатларида бандлик масаласи, айниқса, ёшлар
ўртасидаги ишсизлик тобора ўткир муаммага айланаётгани,
уларнинг турли оқимларга қўшилиб кетаётгани кўп бора маълум
қилинмоқда. Шундай мураккаб шароитда юртимизда
тадбиркорларга яратилаётган имконият ва берилаётган имтиёзлар
аҳолининг ижтимоий муҳофазасини самарали таъминлаш,
хусусан, ёш авлоднинг ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим
аҳамият касб этмоқда.**

Дарҳақиқат, мамлакатимизда тадбиркор-
ликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун-
лар, давлатимиз раҳбарининг тегишли фар-
мон ҳамда қарорлари, давлат дастурлари
асосида яратилаётган кенг шарт-шароитлар
самарасида озиқ-овқат саноати, унинг му-
ҳим йўналиши — қандолатчилик жадал ри-
вожланмоқда. Ўзимизда ишлаб чиқарилаёт-
ган ва хорижийкидан асло қилинмайдиган
сифатли қандолат маҳсулотлари гўзал тур-
мушимизни ифодаловчи баракали неъмат-
лардан биридир.

2004 йилдан буён пойтахтимизда фаоли-
ят юритаётган масъулияти чекланган жамия-
ти “Fayz Foundation” Ўзбекистон —
Буюк Британия қўшма корхонасида тай-
ёрланаётган ширинликлар импорт ўрнини
босувчи ҳамда экспортбоп эканлиги билан
эътиборга лойиқ.

Корхона фаолияти йўлга қўйилгач, эски-
риб, керакисиз бўлиб қолган бино ва унинг
атрофи қўрқам ҳудудга айланди. Нафақат
Сергели туманининг нисбатан чекка мавзе-
сида яшаётган ёшлар, балки Тошкент вилоя-
тининг Чиноз, Янгийўл тумани ёшларининг
ҳам бандлиги таъминланмоқда. Юздан орт-
ик ўрни яратилган корхона жамоасининг
асосий қисми касб-хунар коллежлари ҳамда
олий таълим муассасалари битирувчилари-
дан иборат эканлиги бунинг ёрқин исботи-
дир. Улар жамиятда ўз ўрнини топиши
баробарида, оилалари бюджетини янада
мустаҳкамлашга ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқ-
да.

— Ўзимиз танлаган касб сирларини чуқур
ўрганишимизда коллежда олган билим ва
амалий кўникмамиз қаторида “Устоз — шо-
ғирт” анънаси ҳам қўмақ бермоқда, — дей-

ди Сергели политехника касб-хунар колле-
жини тамомлаган Хожиякбар Риксиев. — Бу
ердаги тажрибали устозларнинг маслаҳат
ҳамда йўл-йўриқлари бизга жуда асқотмоқ-
да. Меҳнат дафтарчаси очилиб, корхонамиз
бренди туширилган махсус кийимлар бе-
рилиши, бепул тушлик билан таъминланган-
нимиз эса янада меҳр билан ишлашга ун-
дайди.

— Бугунги ёшлар низоҳатда интилувчан ва
зейрак, — дейди ишлаб чиқариш цехи бош-
лиғи Алишер Нодиров. — Уларнинг замона-
вий технологиялар “тили”ни бир зумда ту-
шуниб олишлари, ўз устида тинимсиз иш-
лашлари, махсулот дизайни ҳақидаги бири-
бирдан ажойиб гоёлари кишининг ҳава-
сини келтиради. Буларнинг барчаси қув-
онарлидир. Ҳозирда йигирма нафардан
ортиқ ёшларга автоматлаштирилган техни-
када маҳсулот тайёрлашни бошқариш сир-
ларини ўргатиш билан бандман.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишида кор-
хонага Германиянинг “Hebenstreet Rapido”,
“Sollich KG” ва “Chocotech GmbH” каби та-
ниқли компанияларидан энг илғор техноло-
гик линиялар келтириб ўрнатилгани айни
муддао бўлди. Шу асосда йилга 4-4,5 мил-
лиард сўмлик маҳсулот тайёрлаш имкония-
ти юзага келди. Бу, албатта, 6 миллиард
сўмлик сармоя киритилгани ва банкдан кре-
дит олингани самарасидир.

Корхонада меҳнат қилаётган ёш йигит-
қизларнинг ҳаммаси ўз меҳнатидан мамнун.
Улар бошқараётган технологияларда маҳсу-
лотни тайёрлашдан қадқоқлашга бўлган
барча жараён автоматик линияларда компь-
тер кўмагида бажарилади.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода “Халқ манфаатлари — энг
олий қадрият” мавзусида илмий-ама-
лий анжуман бўлиб ўтди. Республика
хотин-қизлар “Олима” уюшмаси Бухо-
ро вилояти бўлими томонидан ташкил
этилган тадбирда мамлакатимизда илм-
фан тараққиётига қаратилаётган алоҳи-
да эътибор юксак самаралар бераётган
ни таъкидланди. Анжуманда фан ва иш-
лаб чиқариш ҳамкорлигини ривожлан-
тириш, кадрлар тайёрлаш сифатини
янада яхшилаш юзасидан ҳам фикр ал-
машилди.

● Гулистонда 2017-2021 йилларда
Ўзбекистон Республикасини ривожлан-
тиришнинг бешта устувор йўналиши
бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойи-
ҳаси муҳофазасига бағишланган ўқув-се-
минар бўлиб ўтди. Фуқаролик жамияти
шаклланишини мониторинг қилиш мус-
тақил институти Сирдарё вилояти ҳуду-
дий бўлинмаси томонидан ташкил этил-
ган тадбирда экспертлар, вилоят ҳоким-
лиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари, давлат
ва жамоат ташкилотлари, сиёсий парти-
ялар вакиллари, оммавий ахборот вос-
италари ходимлари иштирок этди.

● Ажиниёз номидаги Нукус давлат пе-
дагогика институтида Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон
Либерал-демократик партияси Қорақал-
поғистон Республикаси кенгаши “Аёл-
лар қаноти” томонидан “Китоб — маъ-
навият бешиги” мавзусида семинар
ташкил этилди. Тадбирда китобхонли-
нинг бугунги аҳволи ва муаммолари, ки-
тоб ва китобхонлик маданияти, электрон
китобхоналар ва хизмат кўрсатишнинг
инновацион йўналишлари хусусида фикр
алмашилди.

● Андижонда Оилалардаги ижтимоий-
иқтисодий ва маънавий муҳитни ўрга-
ниш бўйича республика ишчи гуруҳининг
мақсади, унинг фаолияти учун зарур ша-
роитлар яратиш, белгиланган ишларни
самарали ташкил этиш масалаларига
бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Тошкент вилоятида табиат бойлик-
ларини муҳофаза қилиш, ундан оқило-
на фойдаланиш, чиқиндиларни утили-
зация қилиш масалаларига бағишлан-
ган семинар бўлиб ўтди. Тошкент вилоя-
ти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
томонидан ташкил этилган семинарда
қўмита масъул ходимлари, тегишли
бошқармалар, “Маҳалла” хайрия жамо-
ат фонди вилоят бўлими вакиллари, эко-
логлар ва журналистлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Сўнгги 5 йил давомида карвонбо-
шилиқни қўлдан бермай келаётган Япо-
ниянинг “Тойота” компанияси 2016 йил-
да ўзининг дунёнинг энг йирик автомо-
биль ишлаб чиқарувчи корхонаси номи-
ни Германиянинг “Фольксваген” компа-
ниясига топширди. Яъни, ўтган йилда
“Тойота” томонидан жами ўн миллион
икки юз мингта автомобиль ишлаб чи-
қарилган бўлса, Германиядаги корхона-
да тайёрланган машиналар сони бун-
дан юз мингта кўпдир. Бунда асосий
сабаб АҚШда бошқа йўналишдаги ма-
шиналарга қизиқиш кучайганлигидир.

● Абхазияда уч кундан буён тинимсиз
ёғаётган қор катта ноқулайликларни кел-
тириб чиқармоқда. Жумладан, мамла-
кат пойтахти Сухумида автобусдан бош-
қа барча жамоат транспортларининг
ҳаракати тўхтади. Мактабларда дарс-
лар иккинчи февралга қадар бекор
қилинди.

● Хитойнинг Нинбо шаҳридаги ҳайво-
нот боғида ташриф буюрганлардан
бири йўлбарс ҳамласи оқибатида ҳалок
бўлди. Гап шундаки, у йўлбарслар сақ-
ланадиган жойга тўсикдан ошиб тушган-
дан сўнг, йиртқичлардан бири унга
ҳамла қилди. Ҳайвонот боғи ходимлари
ушбу йўлбарсни отиб ўлдиришди, қол-
ганларини эса петардалар ёрдамида
тарқатиб юборишди.



ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

**Тошкент шаҳар божхона бошқармасида
“Тошкент-Аэро” иктисослаштирилган божхона
комплекси билан ҳамкорликда тадбиркорлик
субъектлари, хусусан, ташқи иктисодий
фаолият қатнашчилари учун учрашув ташкил
этилди.**

Унда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Адлия бошқармаси, Ташқи иктисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаларидан вакиллар, Марказий банк ва бошқа тижорат банклари, давлат солиқ бошқармаси ҳамда бир қатор ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирок этишди.

Учрашувда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иктисодиёти ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётгани, шу боис ишбилармонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг тўлақонли фаолият юритишга тўқсизлик қилаётган омилларни аниқлаш ва зудлик билан бартараф этиш масалалари борасида суз юритилди.

Бу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирларни янги босқичга кўтаришда Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадвал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу Фармон ижроси доирасида Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ва “Тошкент-Аэро” иктисослаштирилган божхона комплекси томонидан ҳам тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тадбиркорлик субъектлари ва божхона брокерлик фирмалари вакилларида иборат жамоатчилик маслаҳат кенгаши ташкил этилган.

Кенгашнинг асосий мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари устуворлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятида божхона соҳасига доир муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, божхона ходимлари томонидан тадбиркорлик фаолиятига қўнғунга хилоф равишда аралашши ва тўқсизлик қилиш ҳолатларига йўл қўймаслигини таъминлашдан иборатдир.

2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши муносабати билан фуқароларни қўлай тарзда қабул қилиш мақсадида бошқармаларда “Фуқаролар қабулхонаси” ташкил этилган.

2016 йилда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ҳамда “Тошкент-Аэро” ИБҚда жами 1326 нафар жисмоний ҳамда юридик шахслар вакиллари қабул қилинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши куралиш тўғрисида”ги қонуни ижроси юзасидан божхона органлари тизимида коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабати шакллантириш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилди.

Тадбирда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ҳамда “Тошкент-Аэро” ИБҚда узлуқсиз ишлайётган “ишонч телефон”лари божхона тўғрисидаги қўнғун ҳужжатлари бўзилишининг олдини олиш, мансабдор шахслар ва божхона ходимлари томонидан коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этилишининг олдини олишга хизмат қилганлиги айтиб ўтилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда тадбиркорлар фаолиятида учраётган муаммолар масалалар бўйича савол ва тақлифларни эркин баён қилиб, улар бўйича тегишли жавобларни олишди.

Абдуалим САЛИМОВ

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи давлатимиз сиёсатининг, миллий қонунчилик тизимининг асосини ташкил этади. Мамлакатимизда мазкур меъёрларнинг ҳаётда ўз ифодасини топиши учун кенг қўламли ишлар амалга оширилатир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг муносабат қилиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва самарали муҳофиза қилишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон қонунчилигида мазкур масалага алоҳида ўрин ажратилган ва уни амалга оширишнинг асосий принциплари мустаҳкамланган.

Давлатимиз бу борадаги амалдаги қонунчиликнинг босқимча-босқич ислоҳ қилинишини таъминламоқда. Ҳозирги кунда фуқароларнинг давлат органларига муносабат йўллашга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш, уларнинг ҳаётият ва давлат ишларини бошқаришда иштирокини таъминлаш механизмларини мустаҳкамловчи бир қатор қонунлар қабул қилинган ва улар фаол қўлланилмоқда.

Ана шундай ҳуқуқий ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида”ги қонунидир. Мазкур Қонун фуқароларнинг давлат органларига муносабат этиш тартибини жиддий равишда такомиллаштирди.

Шунингдек, мамлакатимиз Президентининг 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, тегишли тарзда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шу билан бирга ҳар бир туман ва шаҳарда Халқ қабулхоналарини тузиш назарда тутилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги Виртуал қабулхонаси

негизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ташкил этилди.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ва туман давлат солиқ инспекцияларида ҳам бу борада тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Жумладан, бугунги кунда Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ва ҳар бир туман давлат солиқ инспекциялари хузурида Фуқаролар қабулхоналари ташкил этилиб, фаолият олиб бормоқда.

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Қайд этиш жоизки, ўтган 2016 йил давомида Тошкент шаҳар давлат солиқ органларида жами 3938 та муносабатлар рўйхатга киритилган ва уларнинг барчаси назоратга олинган. 148 тасида келтирилган масалалар давлат солиқ хизмати органлари ваколатига кирмаслиги сабабли тегишлилиги бўйича бошқа мутасадди вазирлик ва идораларга юборилган. Келиб тушган муносабатларнинг аксариятида солиқ қонунчилиги бўйича тушунириш бериш, солиқ ва тўловлардан озод қилиш ва имтиёزلардан фойдаланиш, қорхоналардаги қонунбузилиш ҳолатлари масалалари кўтарилган.

Муносабатларни кўриб чиқаришда Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг талабларига қатъий риоя қилади. Улар ўз ваколатлари доирасида муносабатларни Қонунга қатъий

ЎЗБЕКИСТОН ВА АФҒОНИСТОН ҲАМКОРЛИКНИНГ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу боис сўнгги пайтларда Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан самарали шериклиги изчил мустаҳкамланмоқда ва кенгаймоқда.

Бу жараёнда тарих, маданият, анъанавий қадриятлар муштараклигига асосланган, илдиэлари асрлар қаърига бориб туташидиган яқин дўстлик ҳамда яхши қўшничилик ришталари бизларни боғлаб турадиган Афғонистон билан мулоқот алоҳида ўрин тутди. Шунинг таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Афғонистон Ислом Республикаси ҳудудида 5 миллиондан зиёд ўзбек миллати вакиллари истиқомат қилади. Этник ўзбеклар, жумладан, юқори давлат лавозимларида фаолият кўрсатаётган ҳолда, Афғонистонда рўй бераётган бунёдкорлик жараёнида ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг Афғонистон раҳбари Мухаммад Ашраф Ғани билан 2016 йил июнь ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити доирасида ўтказган учрашуви икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очди. Шунингдек, Афғонистон етакчиси 2016 йил 3 сентябрь кунин Самарқандда Шавкат Мирзиёев билан учрашув ўтказди. Унда икки давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка сифат жиҳатидан мулқро янги мазмун бағишлаш учун биргаликда саяё-ҳаракатларни сафарбар этиш юзасидан келишиб олдилар.

Бу келишувларни ҳаётга татбиқ қилиш доирасида давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан, Ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси расмий ташриф билан жорий йил 23-24 январь кунлари Афғонистонда бўлди.

Делегация таркибиде Ташқи иктисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компанияси, “Ўзсаноатэкспорт”, “Ўзбекистон темир йўллари”, “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятлари, “Ўзэлтехсаноат” ҳамда “Ўзавтотўл” акциядорлик компанияларининг раҳбарлари бор эди.

Кобулда ташриф чоғида Афғонистон Ислон Республикаси Президенти Мухаммад Ашраф Ғани, ҳукуматнинг ижрочи раиси Абдулла Абдулла, ташқи ишлар вазирлиги Саломхиддин Раббоний, Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Х. Атамар, давлат раҳбарининг иктисодий масалалар бўйича катта маслаҳатчиси Х. Қайюми ва Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Россия Федерацияси билан ҳамкорлик бўйича махсус вакили Мухаммад Шокир Корғар билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Президент Мухаммад Ашраф Ғани билан учрашув чоғида Ўзбекистон раҳбарининг шахсий мактуби тақдим қилинди. Унда Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши масалаларида, шунингдек, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида республикамиз бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлашга тайёр эканлиги ўз ифодасини топан эди. Давлатимиз раҳбари Мухаммад Ашраф Ғанини ўзига қўлай бўлган вақтда расмий ташриф билан Ўзбекистонга келишга тақлиф этгани Афғонистон етакчиси томонидан мамнуният билан қабул қилинди.

Ўзбекистон делегацияси ташрифига ҳамда улар билан музокараларга Президент Мухаммад Ашраф Ғани алоҳида эътибор қаратди — у Афғонистон ҳукумати энг муҳим аъзолигининг барчаси иштирокида ўтган кенгайтирилган йиғилишга шахсан раислик қилди. Йиғилишда иқтисодий ҳамкорлик юзасидан кенг қамровли ҳамкорликка, жумладан, нефть-газ, транспорт-транзит, савдо соҳалари ва Афғонистон Ислон Республикасида йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга оид масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек, Мухаммад Ашраф Ғани Афғонистон Президентининг “Арқ” қароргоҳидаги Буюк инсонлар галереясида улғу шоир ҳамда мутафаккир, давлат арбоби, ўзбек мумтоз адабиёти асосчиси Алишер Навоий портретининг тантанали очилишида ҳам қатнашди. У ўзининг таъриқ нутқида Алишер Навоий сиймосига ва унинг ўзбек ҳамда афғон халқларини боғлаб турадиган бебаҳо меросига чуқур ҳурмат изҳор қилди. Афғонистон Президентини ўзбек ва афғон халқлари ўртасидаги тарихий ришталарга, менталитетларнинг ўхшашлиғи,

ий амал қилган ҳолда тўлиқ, ҳолис ва ўз вақтида кўриб чиқилишининг, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя этишининг барча чораларини ишлаб чиққанлар.

Ҳар қандай муносабат бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек, ҳаётият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак. Муносабатлар оғзаки, ёзма ёхуд элек-

трон шаклда ва ариза, тақлиф, шикоят тарзида бўлиши мумкин. Муносабат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек, юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди. Муносабатлар давлат органлари томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шарт, аммо аноним муносабатлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган муносабатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолда қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган муносабатлар бундан мустасно.

маданият, тил, дин, урф-одат ҳамда анъаналар муштараклигига алоҳида тўхталди.

Кенгайтирилган йиғилиш яқунларига қўра, икки томонлама қатор ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида 2017 йилда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида тўлақонли ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича Тадбирлар режаси (“Йўл харитаси”) бор. Мазкур ҳужжат сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамда транспорт-транзит жиҳатларидаги тадбирларни, шунингдек, энергетика, тоғ-кон ва нефть-газ саноати, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш ҳамда фармацевтика соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликни фаоллаштиришни кўзда тутди. Ушбу режанинг ҳаётга татбиқ этилиши қисқа муддатларда махсулот айирбошлаш кўрсаткичининг мавжуд 0,4 миллиард АҚШ долларидан 1,5 миллиард АҚШ долларига етказиш имконини беради.

Транспорт соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида алоҳида Аҳдлашув протоколини имзолаш орқали томонлар мазкур йўналишдаги алоқаларни янада чуқурлаштиришга тайёр эканлигини тасдиқлашди. Жумладан, темир йўл ва автомобиль йўллари ҳамда юқори қўлалинишдаги электр ўтказиш линиясини қуриш бўйича лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш имкониятларини ишлаб чиқиш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, икки мамлакат ташқи сиёсат маҳамалари ўзаро аниқлашув меморандуми билан томонлар учун қизиқчи уйғотадиган икки томонлама, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувларни ўтказишга келишиб олдилар. Томонлар имзоланган Битимга мувофиқ, наркотик воситалар, психотроп моддалар ҳамда уларнинг прекурсорлари ноқонуний айланishiга қарши курашишда ҳамкорлик қилишга ҳам келишиб олдилар.

Юқоридеги масалалар билан бирга, музокаралар натижасида икки давлатнинг манфаатдор ҳўжалик юритувчи субъектлари вакиллари ўртасида жами 49,3 миллион АҚШ доллари миқдоридеги экспорт шартномалари имзоланди. Улар Ўзбекистондан бўғдой, дори-дармон махсулотлари, қора металл прокати, “тез ёрдам” автомобиллари, электр маиший техника буюмларининг Афғонистонга етказиб берилишини кўзда тутди.

Шу маънода, Кобулда Ўзбекистон Савдо уйининг очилиши томонларнинг савдо-иқтисодий алоқаларини фаоллаштиришга бўлган интилишларининг раъмий тасдиғи сифатида хизмат қилади. Мазкур тузилма мамлакатимиз иқтисодиёти турли тармоқлари махсулотларини Афғонистон бозорига етказиб беришни мувофиқлаштириш билан шўғулланади. Шу мақсадда Савдо уйи ҳудудида “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” номи доимий фаолият кўрсатадиган махсулотлар кўргазмаси ташкил этилади.

Шу тарихда республикамиз делегациясининг Афғонистонга самарали ташрифи ва эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни амалий мазмун билан тўлдиради, дўст мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамда узок муддатли ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади.

Бунинг учун барча асос мавжуд. Айниқса, Ўзбекистон ва Афғонистон тарихида бир-бири билан ҳеч қачон адоватда бўлмаган хисобга олинар экан, бу эзгу ниятнинг рўёбга чиқиши аниқ. Учрашувлар чоғида Афғонистон Ислон Республикаси вакиллари “Ўзбекистон афғон халқига ҳамиша баҳоли қудрат кўмак берган ҳамда энг қийин пайтларда қўллаб-қувватлаган”, дея баёнот бердилар.

Бўлиб ўтган музокаралар ва кенг қамровли фикр алмашувлар Афғонистоннинг тинч ҳамда барқарор ривожланишининг зарурий шартин, энг аввало, унинг минтақа давлатлари билан жаҳон ҳўжалик алоқаларига ҳар томонлама интеграциялашувида эканлигини яна бир қара тасдиқлади.

Яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш Афғонистонга қўшни бўлган барча мамлакат, жумладан, Ўзбекистон манфаатларига жавоб беради, тинчликсевар ва оқил афғон халқи эса барқарор ҳамда фаровон давлатда яшаш, муносиб ҳаёт кечириш мақсадида барча шарт-шароитни яратиш учун ҳар жиҳатдан ҳақлидир.

“Жаҳон” АА

Жисмоний ёки юридик шахсларнинг муносабатини қабул қилиш ва кўриб чиқиш қўнғунга хилоф равишда рад этилганлиги устидан бўйсинув тартибиде юқори турувчи органга ёхуд бевосита судга шикоят қилишга ҳақли.

Ариза ёки шикоят масалани мазмунини бўйича ҳал этиши шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади. Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар қўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатларини тегишли давлат органи раҳбари томонидан, истисно тарихида, қўли билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда муносабат эътиборига хабар қилинади. Айрим ҳолларда давлат органининг раҳбари ёки унинг ўринбосарлари муносабатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартиришлари мумкин. Муносабатлар билан ишлаш муддатларини улар давлат органига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар тегишли муддатнинг охири қўни дам олиш ва байрам кўнларига тўғри келса, навбатдаги иш қўни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир муносабатга ўз вақтида муносабат билдириш, унда кўрсатилган ҳолатлар юзасидан тегишли чоралар белгиланиши жисмоний ва юридик шахсларнинг қўнғуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, давлат ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ошириб боради ҳамда ҳаётият ривожиде муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

**Юнусжон НАСИМДЖАНОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ
бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

Олмазор тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

ОЛМАЗОР ТУМАНИДА 2017 ЙИЛДА ҲАҚ ТЎЛАНДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги “Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 йил, 7-сон, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларни вақтинча иш ҳақи олиш ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан “иш-сиз” деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш марказининг 2017 йил 17 январдаги 3/50 а-сон хати билан берилган тақлифини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

- Олмазор туманида 2017 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи қорхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.
- Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи қорхона, ташкилотлар раҳбарларига: Иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин; жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли қорхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш бевуричлар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан;
- бошқа қорхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш бевуричлар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;
- туман Бандликка кўмаклашиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларни жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.
- Туман Бандликка кўмаклашиш маркази директори вазифасини вақтинча бажарувчи (С.Ражабов):

қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Олмазор тумани ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (А.Акрамов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Компьютерлаштириш маркази” ДУКнинг Олмазор тумани тармоқ администратори (О.Аманов):

Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.olmazor.poytaxt.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қўнғу кирди.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Д.Исқандаров зиммасига юклатилсин.

**Олмазор тумани ҳокими
Б.Гаибназаров**

2017 йил 26 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

БЕЖИРИМ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Дастлаб хом ашё етказиб бериш билан шуғулланганимиз, – дейди ҳаётият директори Эркин Ҳожибоев. – Ўйлаб қарасак, махсулотни ўзимиз тайёрласак, кўпроқ даромад кўра эканмиз. Шунинг учун белни маҳкам боғлаб ишга киришдик. Қисқа вақтда қорхонамизда 20 дан ортқ турдаги қандолат махсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Уларнинг барчаси мувофиқлик сертификатига эга. Жумладан, “Carnero”, “Milagro”, “Torro”, “Carmel” каби шоколад батонлари, “Losso”, “Lux”, “Zolotoy sunduchok”, “Korolevskiy Sharm” сингари конфетлар, “Retro”, “Fayz” номи вафиларнинг бозори чакқон. Бу эса молиявий барқарорлигимизни мустаҳкамлаш, янги ташаббусларимизни рўёбга чиқариш, энг муҳими, ишчи-ҳодимларимизнинг моддий-маиший аҳолини янада яхшилашга хизмат қилаётти.

Ўқиндан бошлаб Италия ва Дания давлатларидан олиб келинган бисквитли рулет чиқарадиган замонавий асбоб-ускуналарни ишга туширдик. Мазкур линия туфайли яна ўттизга яқин иш жойи очилди.

Жамоанинг яна бир эзгу нияти – экспорт фаолиятини йўлга қўйиш. Ахир юртимизда ишбилармонларга қўллаб-қувватлаш ва преференциялар берилаётгани, чет эллик сармоядорларга жозибадор инвестиция муҳити мавжудлиги ана шундай саяё-ҳаракатларга катта туртки бераётти.

Зиёда ВОҲИДОВА

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА МОС

Тошкент молия институти бюджет ҳисоби ва давлат мағармалари факультетида жисмоний маданият ва спорт кафедраси томонидан “Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш” мавзусида очик амалий машғулот дари ташкил этилди.

Мазкур машғулот аввалдан тайёрланган дарс режаси, унга мувофиқ махсус ўқув-услубий ашёлар, тарқатма, тақдирот материаллари билан қатъий тартиб асосида амалдаги педагогик технологияларга мос равишда самарали ўтказилди.

Дарсни бюджет ҳисоби ва давлат мағармалари факультети декан ўринбосари С.Авазходжаев кириш сўзи билан очиб берар экан, талабалар учун ташкил қилинаётган бу каби очик амалий машғулот дарсларининг қанчалик муҳим аҳамият касб этиши, уларнинг олган билимларини янада мустаҳкамлашни таъкидлаб ўтди.

Мавзу бўйича назарий маълумотлар берилгач, талабаларнинг фикр-мулохазалари эшитилди. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга бағишланган слайд ҳамда видеоролик намойиш қилинди.

Шундан сўнг тарих фанлари доктори, профессор А.Ботирбеков ва амалий машғулот дарсини қўзғатиб борган жисмоний маданият ва спорт кафедраси ўқитувчилари А.Мухамедов, Ф.Каримов, Ф.Шерматов ҳамда Ф.Мавлоновлар сўзга чиқиб, аҳолининг саломатлигини таъминлаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган, инсон саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни таъкидлаб ўтдилар.

Талабалар ўзларини қизиқтирган саволлар билан маърузачиларга мурожаат қилдилар. Саломатликка таъсир кўрсатиб келаётган зарарли иллатлардан ҳимояланиш, бугунги кунда республикада турли ирсий, юқумли ва охири аянишли яқун топадиган касалликларга қарши курашиш борасида олиб борилаётган изчил профилактик чоралар тўғрисида тадбир иштирокчилари билан ўзаро мунозара-мушоадаларини фикрлашиб олдилар.

Тадбирда шунингдек, бугунги кунда ёшлар, хусусан, оналар ва болалар саломатлигига берилаётган алоҳида эътибор аниқ мисоллар ва статистик маълумотлар асосида айтиб ўтилди.

Бахтиёр ХАЙИТОВ,
Тошкент молия институтининг
жисмоний маданият ва спорт
кафедраси ўқитувчиси

Маълумки, шу кунларда барча таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов таваллуд топган кун муносабати билан турли маънавий тадбирлар ўтказиб келинапти.



КИТОБИМ – ОФТОБИМ

Куни кеча Сергели туманида жойлашган 104-умумий ўрта таълим мактабида “Китобим – офтобим” деб номланган маънавий-маърифий кеча бўлиб ўтди. Тадбирни мактаб директори Ахатилла Ғуломов кириш сўзи билан очиб берди. Шундан сўнг сўзга чиққан мактабнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари Феруза Шарипова, бошланғич синф ўқитувчиси Элмира Ҳасанова ва бошқалар буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улғу фарзанди Ислон Каримов Ватанимизни мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, дунё харитасида мустақил Ўзбекистон давлати вужудга келишида улкан хисса қўшганлиги, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик, барқарорликнинг сабабчиси эканлиги ва улардан қолган бебаҳо маънавий мерос – Ислон Каримов асарларини ўқиб ўрганишлари лозимлиги ҳақида батафсил тушунчалар бердилар.

— Бугунги тадбирни ўтказишимиздан асосий мақсад, фарзандларимиз қалбида китобга меҳр ҳиссини уйғотишдан иборат. Бизнинг мактаб кутубхонамизда барча адабиётлар тўплами мавжуд бўлиб, ўқувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу борада Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг китоб мутолааси йўлида, жумладан, биз кутубхона ходимларига ҳам қаратаётган катта эътиборлари учун жуда ҳам миннатдоримиз. Бу каби китоб байрамлари мунтазам ўтказиб турилиши тарафдориман, — дейди 104-умумий ўрта таълим мактабининг кутубхона мудариси Зулфия Ҳужанова.

Тадбир давомида мактаб ўқувчилари мустақил Ўзбекистонимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” каби асарлари чуқур маънога эгалиги ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Шунингдек, ўқувчилар Биринчи Президентимиз хотирасига бағишланган замондош шоирлар қаламига мансуб шеърларни ифодали тарзда ўқишлари ҳамда ўзлари тайёрлаган шеър, монолог ва куй-қўшиқлари билан иштирок этиб, йиғилганларни ҳушунд этдилар.

Хулоса ўрнида машойиҳлар таъбири билан айтилган бўлса, болаликда олинган билим тошга ўйилган нақшдир. Шундай экан, келажақ авлодимизнинг билим ва тафаккур бобида буюк аждодларимизнинг муносиб давомчилари бўлиб тарбия топишлари учун барчамиз масъулмиз.

Бахтиёр ЖҲРАЕВ
Козим Ўлмасов олган сурат

бўлиб қарайдиган шахсга айланишига сабаб бўлмоқда.

Олмасор туманидаги 243-умумтаълим мактабида ташкил этилган “Маънавиятга таҳдид – ўзлимиз ва келажагимизга таҳдид” мавзусидаги тадбирда ҳам ана шулар ҳақда сўз юритилди.

Ёшларимизни маънавий таҳдидлардан огоҳликка ундаш, миллий қадриятларимизга ёт унсурлар ҳақида тушунча бериш, миллий ўзлик, миллий ғурур ва миллий ифтихор туйғуларини сақлаш, дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, замонавий ахборот технологиялари ҳамда интернет тармоғи орқали кириб келиши мумкин бўлган ахборот ва мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган тадбирда туман ҳокимлиги вакиллари, таниқли актёр ва режиссёрлар иштирок этиб, ёшларга ўз маслаҳат ва тавсияларини бериб ўтдилар.

— Юртимизда ёшларни ҳар соҳада етук бўлиб етиштириш, маънан ва жисмонан соғлом бўлишлари, ўз истеъдод ва қобилиятларини тўла намойиш этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди Олмасор тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муқаддам Расулова. — Ёшларимиздан фақат ўқиб-ўрганиш, интилиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш талаб этилади. Бугун кўпгина экстремистик ғуружлар томонидан ёшлар онгини захарлаш, уларни тинч-тотув яшаётган ўз давлати ва халқига қарши қўйишга уринилмоқда. Шунингдек, айрим ёшларимиз онгини “оммавий маданият” аталмиш бузғунчи дунёқараш эгалламоқда. Бу каби тадбирлар ўсиб келаётган авлод қалбида турли иллатлар ва оқимларга қарши иммунитетни шакллантиради.

Тадбир доирасида ёшлар томонидан ўқилган она Ватан, тинчлик ҳақидаги шеърлар, ижро этилган куй-қўшиқлар ва чиқишлар йиғилганларда илиқ таассурот уйғотди.

Абдували СОДИҚОВ
Ислон Исмоилов олган сурат

ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ ВА МУҚАДДАС

Юртимизнинг барча масканлари қаторида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг таваллуди муносабати билан Сергели тиббиёт коллежида ҳам “Инсон хотираси азияз ва муқаддас” номли маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда туман ҳокимлигининг мутасадди ходимлари, халқ суйган актёр ва актрисалар, хонандалар ва коллежнинг ўқитувчи ҳамда ўқувчилари иштирок этди.

Коллеж директори С.Турсунов Биринчи Президентимизнинг Ўзбекистон халқи учун амалга оширилган ислохотлари, 25 йил мобайнида Ватан раънақи йўлидаги фидойиликларини, ёшларга бўлган меҳри ва ишончи тўғрисида сўзлаб берди.

— Биринчи Президентимизнинг барча соҳалар каби маънавият ва маърифат соҳасига ҳам қўшган ҳиссалар беқиёсдир, — дейди Сергели тиббиёт коллежининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Дилшода Хурсандова. — Айниқса баркамол авлод тарбиясига эътибор, маданият ва санъатнинг юксалиши борасидаги улкан ишлари бениҳоя таҳсинга сазовордир. Шу билан бирга ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик, фидойилик ва меҳнатсеварлик каби олий қасдларни Биринчи Президентимиздан ўрганиш кераклигини ёшларимизга ўқитишга барчамиз масъулдиримиз.

Тадбир сўнггида хонандалар томонидан қўшиқлар ижро этилиб, иштирокчилар маданий ҳордик чиқаришди.

Зафар НАЗАРОВ

ҲАМИША ЁДИМИЗДАСИЗ

Мирзо Улғубек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ватанимиз раънақи, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлигига улкан хисса қўшган, ўзининг сермизмун ҳаёти ва фаолияти билан ёш авлод тарбиясида муҳим из қолдирган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси Ислон Каримов таваллуд топган кун муносабати билан “Ёди ҳаммаша ёдда” деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Миллий университети ректори А. Маъраҳимов кириш сўзи билан очиб берди. Шунингдек, хотира тадбирида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги М. Саломхонидинов, сиёсий фанлар доктори, профессор Н. Жўраев, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Ш. Ризаев, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори ўринбосари С. Суяроров ҳамда ЎзМУнинг ёш иқтидорли талабалари сўзга чиқиб, Ислон Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний қасдлари билан юртимиз тарихида ёрқин из қолдирганини, юртимиз тинчлиги, мамлакатимиз фаровонлиги йўлида қўрсатган улкан жасорати, мангуликка йўлланган эзгу амаллари ҳақида алоҳида эътироф этишди.

Тадбирда Зулфия номидаги Давлат муқофоти совриндорлари М. Абдурашодов, О. Эркинжонов, Н. Жўраёв, шунингдек, Навоий номидаги Давлат стипендияси совриндори О. Қувондиқов, Ўзбекистон Миллий университети стипендияси совриндори А. Рамазонов Биринчи Президентимиз хотирасига бағишланган чиқишларини тақдим этишди.

Тадбир якунида Ислон Каримовнинг Ватанимиз 25 йиллик тараққиёт йўлида қилган улкан хизматлари акс этган фильм намойиш этилди.

Дарҳақиқат, халқимизга озод ва обод Ватан қолдирган, тараққиёт ашиқларини очиб берган Биринчи Президентимиз хотираси ҳаммаша қалбимизда, ёдимизда, уни ҳар қачон унутмаймиз.

Нозима САИДЖОНОВА,
Дилдора ТОШЕВА

ЮКСАК ҲУРМАТГА ЭГА ЭДИ

Мамлакатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадилаштириш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ жойларда хотира тадбирлари ташкил қилинмоқда.

Улғу миллатнинг буюк отаси бўлиши Ислон Каримовнинг таваллудларига бағишланган ана шундай хотира кечаси Мирзо Улғубек транспорт касб-хунар коллежида ҳам бўлиб ўтди. Тадбирда туман маънавият тарғибот бўлими раҳбари М.Эронлов ўз сўзида истиқлол йилларида мамлакатимизда ўрнатилган осуда ва фаровон жамият, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўлга киритилган юксак марралар, барқарор тараққиёт, меҳр-оқибат ва бағрикенглик, миллатлараро тотувлик каби буюк ишлар айнаи Ислон Каримовнинг номи билан қамбарчас боғлиқ эканини таъкидлади.

Коллеж ўқувчилари томонидан тайёрланган бадий чиқишлар ва Ислон Каримовга бағишланган шеърлардан ўқилган парчалар барчага бирдек манзур бўлди.

Биринчи Президентимизнинг 2011 йили босмадан чиққан “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” номли асарида эътироф этилган Фарғона воқеалари кечинмалари ва ундан истиқлолгача босиб ўтилган йўллар тўғрисидаги ҳужжатли фильм ўқувчиларга намойиш этилди.

Ушбу фильмдаги жараянлар шунчаки оддий тарихни акс эттирмай, балки, озолиқ, ҳурилик учун ташланган мардонавор қадм ва танланган тўғри қарор эканлиги ёшлар онига сингдирилди.

Дарҳақиқат, Ислон Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, қатъияти ва матонати, олижаноб инсоний қасдлари билан Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирди. У ёрқин, буюк шахс ва давлат арбоби сифатида нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам юксак ҳурматга, эътиборга ва эътирофга сазовор бўлди. Дунё сиёсатчилари томонидан “Марказий Осиё лидери” номини олган ушбу инсон Ватани раънақи учун, юртининг тинчлиги учун, халқнинг фаровонлиги учун ўз умрини бахшида қилди.

Наргиза УБАЙДУЛЛАЕВА,
Мирзо Улғубек транспорт касб-хунар коллежи тарих ўқитувчиси

МАЪНАВИЯТГА ТАҲДИД – ЎЗЛИГИМИЗ ВА КЕЛАЖАГИМИЗГА ТАҲДИД

Бугун дунёнинг турли ҳудудларида экстремистик, ақидапараст ва динни ниқоб қилиб олган бузғунчи ғуружлар ҳамда оқимлар томонидан инсоният тинчлиги ва хотиржамлиги, мамлакатлар хавфсизлиги, қолаверса, демократик қадриятларга нисбатан катта таҳдид солаётганлиги кундек равшан.



Дарҳақиқат, мафкуравий таҳдидлар натижа-сида ҳозирги пайтда дунёнинг айрим ҳудудларида миллатларнинг маънавий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқмоқда. Ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли

яшаш тарзи жиддий хавф остида қолмоқда. Энг ёмони, бундай мафкуравий хуружларнинг пировард мақсади одамни ўзи тугилиб ўсган юрти ва халқидан тониши, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга, ҳамма нарсасига лоқайд

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Auto Gold Grant” МЧЖ Тошкент шаҳар филиали очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибидан 2017 йил 17 февраль кунини соат 11.00да бўлиб ўтатилган такоран аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар, Сергели тумани СИБ томонидан куйидаги “SHAMOL” МЧЖнинг омборхонасида Тошкент ш, Сергели т, Безакчилик кўчаси, 3А-ўйда сақланаётган автотранспорт воситалари кўйилган: 1. 06.07.2015 йилдаги №10-1314/19809-сонли ижро ҳужжати Газ-31029 русумли, енгил, кулранг, 1995 йилда и/ч, т/н, д/б 01931РСА бўлган 6/6 – 4 084 763 сўм. 2. 06.07.2015 йилдаги №10-1314/19809-сонли ижро ҳужжати ЗИЛ138А русумли, юк, хаворанг, 1966 йилда и/ч, т/н, д/б 01396РСА бўлган, 6/6 – 11 831 986 сўм.

Аризаларни қабул қилиш 2017 йил 17 февралда ўтказилган такоран аукцион савдоси учун 2017 йил 15 февраль кунини соат 18:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача (соат 13.00-14.00гача тушлик) аризаларни қабул қилиш манзилида ёки www.agg.uz веб-сайт орқали қабул қилинади. Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади: савдо ташкилотчиси билан тузилган “закалат тўғрисидаги келишув”га асосан закалат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжат нусхаси, ариза, вакиллар учун ишончнома. Мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда “Auto Gold Grant” МЧЖнинг АИТБ “Ипак йўли банк” Мировод филиалидаги 2020 8000 2004 2284 9001 ҳисоб рақамига МФО: 01101, ИНН: 303136943 тўлашлари шарт. Савдо ўтказиш ва аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Бўхоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 232-02-96

Гувоҳнома №05791



“АСАКА” БАНК БИЛАН ТАДБИРКОРЛИК САРИ

Хурматли юртдошлар!

Тадбиркорлик фаолияти орқали республикамизнинг янада ривожланиши ва тараққий этишига ўз хиссамни қўшаман деб ниёт қилган ватандошларимизга “Асака” банк Ташкент шаҳар филиали ўзининг тезкор хизматлари ва имтиёзли кредитларини тақлиф этади.

“Асака” банк Тошкент шаҳар филиали томонидан тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ватандошларимизга куйидаги йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштириш бўйича имтиёзли шартларда кредитлар тақлиф этилмоқда:

- иссиқхоналар куриш;
- кичик ишлаб чиқариш цехларини ташкил этиш;
- касаначиликни ривожлантириш;
- хунармандчилик;
- сартарошхона хизматини ташкил этиш;
- тикувчилик ва чеварлиқни қўллаб-қувватлаш;
- пойабзал тузатиш устaxonасини ташкил этиш;
- умумий овқатланиш хизматини ташкил этиш;
- маиший техникаларни тузатадиган устaxonалар ташкил этиш;
- гўзаллик салонлари ташкил қилиш;

- аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш;
- автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи шохобчалар куриш;
- автомобилларни ювиш шохобчаси ташкил қилиш;
- компьютер хизматлари кўрсатишни ташкил қилиш;
- савдо фаолиятини йўлга қўйиш;
- новвоёхона ташкил қилиш;
- қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун.

“Асака” банк Тошкент шаҳар филиали имтиёзли кредитларидан фойдаланиб ўз бизнесингизни ташкил этинг.

Сизнинг куч ва имкониятингизни, қобилият ва салоҳиятингизни рўёбга чиқариш учун барча имкониятлар ва шароитлар яратилган.

Мурожаат учун телефонлар: (371) 231-65-00, 120-83-42, 120-83-30.

“Асака” банк – тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!

Хизматлар лицензияланган



Спорт янгиликлари

ЯНГИ КАНАЛ ИШ
БОШЛАШ АРАФАСИДА

Мамлакатимиз футбол мухлисларини ажойиб футбол учрашувларидан баҳраманд бўлишларини таъминлаш мақсадида яқин орада Ўзбекистонда футболга ихтисослашган "Futbol TV" телеканали фаолият бошлайди.

Маълумотларга кўра "Узрепорт ТВ" телеканали қошида янги футболга ихтисослашган канал иш бошлайди. Эслатиб ўтамиз, айтилган "Узрепорт ТВ" телеканали мухлисларга Англия ва Испания чемпионатлари учрашувларини намойиш этиш ҳуқуқига эга.

Акбар Йўлдошев

ТЕННИСЧИМИЗ РЕЙТИНГДА ЮҚОРИЛАДИ

Ўзбекистонлик теннисчи, мамлакатимизнинг биринчи ракеткаси Денис Истомин Мельбурнда бўлиб ўтган "Катта Дубулга" туркумидаги йилнинг дастлабки мусобақаси — "Australian open — 2017"дан сўнг жаҳон рейтингининг кучли юзлигидан жой олган теннисчилар орасида энг катта ўсишга эришди ва нақд 37 поғонага юқорилаб 80-поғонага кўтарилиб олди.

Хабарингиз бор, Истомин турнирнинг 4-босқичига етиб бориб фақатгина жароҳати сабаб чорак финал оstonасида юришини тўхтатган эди. Аммо шунга қарамай ҳамюртимиз дастлаб хорватиялик Иван Додигини, иккинчи босқичда жаҳоннинг иккинчи ракеткаси сербиялик Новак Жоквичини, учинчи

беллашувда эса испаниялик Пабло Каррено Бустани мағлуб этишга муваффақ бўлди. Афсуски, 4-босқич баҳсида кутилмаганда орттириб олинган жароҳат Истоминга тўлиқ куч билан ўйнаш имконини бермади ва у болгариялик Григор Димитровга имкониятни бой бериб мусобақа билан хайрлашди.

Мавсум эндигина старт олганлигини инобатга олсак олдинда юрдошимизни бир қатор нуфузли мусобақалар кутиб турибди. Шундай экан, биз Денис Истоминга жароҳатидан тезроқ қутулиб "Катта Дубулга" туркумидаги навбатдаги турнирларда ҳам муваффақиятли иштирок этишини тилаб қоламиз.

Ботир ХУЖАЕВ

сам олмапяти.

— Уйда қолдириб кетибди.
— Нега унақа гапирясан, ўғлим, соғинг яхшими?
— Яхшиман, ухлатгандим.

Давроннинг овози титраб, зўрга гапирарди. Унинг ёнида кимдир шивирлаб гап ўртабтгани ҳам эшитилгандек туюлди. Фотиима ўғли билан гаплашган, ички сезгиси унга қандайдир кўнгилсизликдан дарақ бераётгандек туюлаверди. Устига-устак ўқитувчиси Фаррухнинг дарсга келимаганини айтди. Шундан сўнг Фотиима кўшнисига кўнгирак қилиб, вазиятни тушунтирди ва уйдан хабар олишни илтимос қилди. Бу пайтда босқинчилар ишини тугатиб, жуфтаникни ростлаган эдилар. Бир неча бор турли жиноятлар содир этиб,

тиб эшикни очтирасан. Аёл киши бўлганин учун болалар кўрқмай очинади. Қолганлар ишни тезда битириб чиқади.

Улар жиний гуруҳ аъзоларидан бири бўлган Носирнинг бошқарувидаги "Спарк" русумли автомашинада қўзланган манзилга етиб келдилар. Барча келишгандек ҳаракатлана бошлади. Шўхрат билан Худобер ташқарида қолди. Бироз вақт ўтган Шўхратга ичкаридаги ҳамтовгои кўнгирак қилиб, сейф деворга ўрнатилганини, очилишини илож ийўлигини айтди. Энди унинг ўзи ҳам ичкарига кириб, сейфни ўрнатилган жойидан кўчириб олишди.

Ишчи гўё хамирдан қил сўзургандек осон бажарган жиний гуруҳ аъзолари пойтахтнинг Чилонзор туманидаги Сайёранинг вақтинча яшаш уйига боришди. Сейфни бузиб очилди. Унинг ичидан чиққан катта миқдордаги пуллар, қимматбаҳо тақинчоқларни кўриб қувониб кетишди. Осон йўл билан топишган бойликни ўзaro бўлишиб олишди ва кўлга тушмаслик учун тезлик билан тарқалишди. Улар бир неча кун учрашмасликка, бир жойда йиғилмасликка келишиб олишган эди.

...Фотиима ва Равшан мазкур ҳолат юзасидан ҳуқуқ-тартибот идораларига хабар бердилар. Тезкор суриштирув ишлари бошлаб юборилди. Воқеа жойидан ашёвий далиллар, жабрланувчилардан маълумотлар олинди. Муқаддам шу каби жиноят учун судланганлар ўрганиб чиқилди. Натижада бир неча кун бир-бири билан кўришмай туришга келишиб олган тўда аъзолари яна бир жойда туланишга мажбур бўлдилар. Яъни, барчаси кўлга олинган, панжара ортида учрашди. Келтирилган далиллар олдидан қилишларини ҳеч қандай йўл билан яширишини илож ийўқ эди. Суд ҳукми билан босқинчилар тўдасининг ҳар бир аъзосига тегишли жазо тайинланди.

Илхом АЙДУСОВ,
Яккасарой тумани прокурори
вазифасини бажарувчи

кетган Даврон уларга деворга ўрнатилган темир сейфни кўрсатди. Энди жиноятчилар сейф қалитини излай бошладилар. Қанча дўк-пўписа қилишса ҳам, болалардан тайинли гап чиқмади. Улардан бири кўнгирак қилиб нақдда пойлоқчилик қилиб қолган учинчи шеригини ёрдамга чақирди. Оз вақт ўтмай яна бир нотаниш киши кириб келди ва бирга сейфни турган жойидан кўчириб ола бошладилар.

Фотиима ишхонага борганида ҳам кўпична хаёли уйда қолган болаларидек бўларди. Тез-тез уйга кўнгирак қилиб ҳол-аҳвол сўраб турарди. Хозир ҳам негидир кўнгили гашланаверди. Қўли ишга бормаган, телефонини олиб Фаррухнинг уяли телефонига қайта-қайта кўнгирак қилса ҳам ҳеч қандай жавоб

ЖИНОЯТГА ЖАЗО
МУҚАРРАР

бўлмади. Фотиманинг хавотири кучайиб, уйдаги телефонга кўнгирак қилди. Аввалига унга ҳам ҳеч ким жавоб бермади.

...Бир-бирининг линжига тикилиб, қалтираб ўтирган ака-укаларга телефоннинг кетма-кет жиринглаши умида қилишгандек бўлди. Аммо аввалига уларни хонага қамаб турган никобли киши гўшакини кўтаришга йўл қўймади. Охири Давронга гўшакини кўтаришни буюрди ва ўзи ҳам эглиб қулоқ тўтди. Нариги томондан онасининг овозини эшитган Давроннинг кўзларидан ёш оқар, аммо пичоқ ўқталиб турган босқинчининг ўргатиб турган гапларини айтишдан бошқа чораси йўқ эди.

— Аканг дарсга кетдимми?
— Ҳа, кетди.
— Негидир уяли телефонига кўнгирак қил-

тегишли жазосини олган бўлса-да, озодликнинг қадрига етмаган Шўхрат атрофига ўзи каби баднафс кимсаларни йиғиб жиний гуруҳ тўзди. Беш нафар эркак ва бир аёлдан иборат гуруҳ аъзоларининг аксарияти муқаддам судланган, хавфли жиноятчилар эди. Аввалдан режа тузиб, Яккасарой туманидаги хонадонлардан бирида истиқомат қилувчи Равшаннинг уйи сотиб олиш учун тайёргарлик қўраётганини, айтилган пайтда жуда кўп пули борлигини аниқладилар. Равшан турмуш ўртоғи билан ҳар кун ирталаб ишга кетиб, кечқурун қайтарди. Уйда икки нафар воғат етмаган фарзанди қоларди.

— Бирор муаммо бўлса, ўзим ҳал қиламан, — деди Шўхрат ҳамтовокларига. — Икки киши ташқарида пойлоқчилик қилиб туриши керак. Сайёра, сен бирор хийла ишла-

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Best realtor" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога АТБ "ASAKA" Юнусобод филиалининг 2017 йил 30 январдаги 322/19-сонли буюртманомасига асосан АТБ "ASAKA" Юнусобод филиалига тегишли Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, ТХАЙ, Чимкент йўли қўчасида жойлашган, ер участкасининг майдони 885 кв.м., умумий майдони 555,0 кв.м. ва ҳужжатлар бўйича майдони 589,0 кв.м. бўлган банк биноси такроран қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 1 040 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 11 март кун соат 15:00дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлардан буюртмалар расмий иш кўнлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртмаларни қабул қилиш ва закалат пули киритилишининг охири мuddати: 2017 йил 9 март кун соат 18:00.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан АТБ "ASAKA" Юнусобод филиали вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қўйидагилар тақдим этилади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусخаси, шунингдек, тўлиқ аҳоли вакилининг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ вақолатли вакил қатнашганда закалат пулини "Best realtor" МЧЖнинг АТБ "Kapitalbank" Тошкент шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000500433601001, МФО: 00445, ИНН: 303179580.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун буюртмалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент ш. Бухоро кўчаси, 10-уй, тел/факс: (0595) 144-66-55. сайт: www.emulk.uz, электрон почта: bestrealtor@inbox.uz, Лицензия - №RR-0225.

"Best realtor" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Миробод туман СИБ томонидан қўйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 27.03.2012 йилдаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Мироншоҳ 7-бек кўчаси, 10-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 202,07 кв.м., фойдаланиш майдони 115,24 кв.м. бўлган, 3 та яшаш хонаси, ҳолатхона, ювиниш хонаси, дарвозадан иборат уй-жой. **Бошлангич баҳоси — 152 981 991 сўм.**

2. ЖИБ Юнусобод туман судининг 19.02.2013 йилдаги 1-99-13-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қизил Арват кўчаси, 65-уй манзилида жойлашган, умумий 283 кв.м. ер майдонида қурилган, фойдаланиш майдони 76,15 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 2 та яшаш хонасидан иборат уй-жой. **Бошлангич баҳоси — 63 144 000 сўм.**

3. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 17.11.2011 йилдаги 1-540/2011-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фидокор кўчаси, 40-уй манзилидаги 5 қаватли уй-жойнинг ертўласида жойлашган, 20 кв.м.дан иборат 24-сонли автомобиль қўйиш жойи. **Бошлангич баҳоси — 27 662 550 сўм.**

Аукцион савдолари 2017 йил 21 февраль кун соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни масофадан туриб www.emulk.uz сайти орқали онлайн тарзда топшириш мумкин. Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати: 2017 йил 17 февраль кун соат 18:00.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабдорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АТБ "Kapitalbank" Тошкент шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000500433601001, МФО: 00445, ИНН: 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осие кўчаси, 1-уй, Телефон: (99895) 193-01-11. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz, Лицензия RR-0225.

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12148 нусхада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Топириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14.10

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



UZTELECOM

Хурматли ҳамшаҳарлар!

Хозирги кунда телефон кабелларининг ўғирланиши оммавий тус олиб, катта муаммага айланмоқда. Кабель линияларини қасддан шикастлаш натижасида нафақат «Ўзбек-телеком» АК «ТШТТ» филиали абонентлари — жисмоний шахслар жабрланмоқда, айтилган пайтда бу ҳол ҳокимият ва бошқарув органлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, шошилинч хизмат, шаҳар ҳаётини таъминлаш корхоналарининг ҳам алоқа тизимларининг фаолияти бузилишига олиб келмоқда. Кабелли ўғирлаш телефон тармоғининг зулимига, Интернет тармоғи, маълумотнома-сервис ва ахборот хизматларидан фойдаланиш имкониятининг чекланишига сабаб бўлмоқда.

«Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали иншоотларни қўриқлаш масалаларини ҳал қилиш, ўз миқдори учун алоқани шикастланишлар оқибатларини камайтириш ҳамда тиклаш бўйича бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда.

Айтилган кабеллар ўғирланишининг олдини олишда, шунингдек, ўғирларни қўлга олиш ва жазолашда аҳоли томонидан бундай хатти-ҳаракатлар ҳақида ўз вақтида хабар берилиши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Кабелларни қасддан шикастлаш ҳолатларининг олдини олиш, шаҳар алоқа иншоотларини химоялаш мақсадида «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали фуқароларни оғоҳ бўлишга даъват этади. Шаҳар линияли-кабель иншоотларидан рухсат берилмаган ҳолда фойдаланиш, кабеллар, канализация қопқоқларини ўғирлаш ҳоллари аниқланганда **102 ёки 233-69-95** телефонлари орқали хабар беришингизни сўраймиз.

Хизматлар лицензияланган

"AUTO GARANT BUSINESS" MCHJ

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 11.01.2016 йилдаги 22/5/23-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бектемир тумани, Х.Бойқаро кўчаси, 3-уйда ҳамда Учтепа тумани, 25-мавзе, 41-уйда сақланаётган: 1. 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 899 ЗСА бўлган "Nexia Sons" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 22 974 088 сўм. 2. 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01205DDA бўлган "Nexia Sons" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 22 974 088 сўм бўлган автотранспорт воситалари Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек СИБнинг 2017 йил 27 январь кунлигида № 22/5/23-сонли хатига асосан савдодан олинди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, www.agb.uz. Телефон: (371) 233-61-44, (95) 146-61-44

Гувоҳнома 004593.

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация институтини жамоаси қасаба уюшмаси раиси Турғун Расуловни Дадамухамедовга фарзанди **Улуғбек Турғунович ДАДАМУХАМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан қўқор таъзия изхор этади.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Тошкент шаҳрида
2 февраль кун ҳаво ўза-
риб туради, вақти-вақти
билан ёғиш ёғди. Шарқ-
дан ғарбга йўналишини
ўзгартирган шамол секун-
дига 7-12 метр тезликда

эсади. Ҳарорат кеча-
си — 2-4 даража
сояқ, кундузи — 6-8
даража илқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мо-
ниторинг хизмати ма-
ълумотига кўра, 2 февраль
Тошкент шаҳрининг об-ҳаво
шароити шаҳар ҳаво муҳити-
да зарарли моддаларнинг бир
оз тарқалиб кетишига имко-
ният яратди, ифтилошиш
даражаси паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@uamail.uz
Буюртма Г- 235

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

